

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ
САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси 2018 йил 14 сентябрь куни соат 10:00да Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта мажлислар залида ўтказилсин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2018 йил 10 сентябрь
№ 887.